

---

## Учкўприклик спортчилар Ўзбекистон кубогида юқори натижаларни қўлга киритди

Учкўприк тумани спорт мактаби шуғулланувчилари Ўзбекистон кубоги мусобақаларида муносиб иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритди.

Жорий йилнинг 26-30 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида спортнинг кикбоксинг тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилди. Ушбу нуфузли мусобақада республикамизнинг барча ҳудудларидан 1 минг 800 нафар кикбоксингчилар медаллар учун кураш олиб боришди.

Мазкур мусобақаларда Учкўприк тумани спорт мактабидан 5 нафар спортчи иштирок этган бўлса, уларнинг 3 нафари совриндорлар сафидан жой олди.

Ғолиб спортчиларимизнинг бир нафари кумуш, икки нафари бронза медали соҳиби бўлди.

2024-12-12 14:10:02